

*Б.Рахимов,  
катта илмий ходим-изланувчи,  
И.М. Камолиддинов, Ж.Ж. Эргашев,  
стажёр-тадқиқотчи-изланувчи, ТДИУ*

## **ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

Республикаимиз аграр тармоғида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида, қишлоқ хўжалигини ислох қилишнинг ташкилий, ҳуқуқий ва институционал асослари яратилди. Шу билан бирга охириги 10 йиллик давомида соҳада ишлаб чиқариш 5,9 %га ўсди, яъни 2010 йили қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқариш 106,8 %га етди, мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши 2010 йили 17,5 %ни ташкил этди. Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотини 59,4 %ни деҳқончилик маҳсулотлари ва 40,6 % чорвачилик маҳсулотларини ташкил этди.

Хўжаликлар бўйича қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотида деҳқон хўжаликлари 62,9 %, 35 % фермер хўжаликлари ва 2,1 % бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарига тўғри келмоқда. Бугунги кунга келиб фермер ва деҳқон хўжаликлари тамонидан асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ушбу хўжалик юритиш шакллари томонидан ишлаб чиқарилмоқда. Уларнинг самарали фаолият юртишини таъминлаш мақсадида турли хил хизмат кўрсатиш ва таъминот инфратузилма субъектлари ташкил этилди.

Ислохотларнинг кейинги босқичида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини яхшилаш, уларнинг рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорт ҳажмини кўпайтириш, қишлоқ хўжалигига кўрсатилаётган хизматлар таннархини камайтириш ва сифатини ошириш асосий вазифалардан бўлиши лозим.

Ҳар бир турдаги ресурс бирлиги ҳисобига маҳсулот етиштириш ҳажмини кўпайтириш ёки маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришга ресурс сарфини камайтириш ушбу масаланинг негизини ташкил этади. Бугунги кунда ушбу масала эътибордан бирмунча четда қолиб кетмоқда, асосий масала маҳсулот етиштириш ҳажмини кўпайтиришга қаратилган, сарф қилинаётган ресурс ҳажми, маҳсулот сифати, ишлаб чиқаришдан олинаётган яқуний молиявий натижа кейинги ўринга суриб қўйилган.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида, хўжалик юритишнинг бундай ёндашуви ишлаб чиқариш самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади. Шу боис, бугунги кунда барча турдаги ресурслар, шу жумладан, техника ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳисобига, улар сарфини камайтириш, натижада маҳсулот таннархининг арзон бўлиши ва пировард натижада маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга кўпроқ эътибор бериш лозим.

Шу ўринда алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз бўлган яна бир муҳим жиҳат, хизмат кўрсатишни юқори савияда ташкил этиш, ташилаётган юк имкон қадар тез ва арзон таннарх ҳисобига етказилиши унинг асосий жиҳатларидан ҳисобланади. Кучли рақобатчилик муҳити бугунги кунда транспорт тизимида

кузатилаётган бир шароитда қишлоқ хўжалигида транспорт тармоқларидан самарали фойдаланиш алоҳида иқтисодий аҳамият касб этади. Жумладан, мазкур соҳада етиштирилган маҳсулотлар айниқса хомашёларнинг тез бузилиши, сифат даражасининг пасайиш ҳолатларини инобатга оладиган бўлсак, самарадорликни ошириш масаласи етакчи омилга айланади. Албатта самарадорликни ошириш транспорт тизими билан биргаликда йўл ва шосселарнинг ётқизилиш ҳолати ва уларнинг сифат даражаларига ҳам бирдай таъсир кўрсатади. Ўз навбатида, етиштирилган маҳсулотларнинг асосий қисми қишлоқ жойларидан ташиб келтирилишини инобатга олсак, бу масаланинг ҳам аҳамияти ортиб боради. Мамлакатимизда ташилаётган юк айланмаларининг асосий қисми куруклик транспорти ҳиссасига тўғри келиши маҳсулотнинг таннархи кўтарилиб кетиши ва унинг рақобатлашувида салбий таъсир этади.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалигида транспорт воситалари билан биргаликда иш ҳайвонлари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги асосий воситалар таркибининг асосини ташкил этади. Яъни юк автомобиллари, трактор ва ўзиюрар шассилар ҳамда иш ҳайвонлари киради. Шу билан бирга юклар ҳам қўйидагича таснифланади, ҳажми ва оғирлигига кўра юклар транспортбелли (кичик ҳажмли, оғир) юклар ва кичик транспортбелли (катта ҳажмли, енгил) юкларга бўлинади.

Дон, ўғит, қурилиш материаллари ва ҳоказолар биринчи гуруҳга: ҳашак, сомон, пахта, яшил озуқа ва ҳоказолар иккинчи гуруҳга киради.

Юклар қаерда ишлатилишига кўра уч гуруҳга бўлинади:

Хўжалик ичидаги; дала, ферма бўлимларидан омборларга ва аксинча омборлардан дала, ферма бўлимларига ташиладиган юклар (дон, сут, ем, материаллар ва ҳ.к.).

Хўжаликдан ташқаридаги юклар; хўжаликлар корхоналарига ва хизмат кўрсатувчи қишлоқ хўжалиги корхоналаридан сотиб олинadиган юклар.

Ҳовли ичидаги юклар; ҳовли марказлари доирасида ташиладиган юклар.

Бугунги кунда хўжаликлар таркибидаги ва хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг техника ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва улар сарфини камайтириш учун фақат илмий асосланган техникалардан самарали фойдаланишнинг услубий асосларига таяниб, ишни ташкил этмоқ лозим. Шу маънода хўжаликларда транспорт воситаларидан фойдаланишнинг иқтисодий кўрсаткичлари қўйидагича:

Ташилган юкларнинг ҳажми (**кг**) ва юк айланмаси (**Т/км**) юк автомобиллари ишининг сон кўрсаткичлари ҳисобланади ва юк айланмаси юк ҳажмини масофага кўпайтириб аниқланади.

Қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатувчи корхоналардаги автотранспортдан самарали фойдаланишнинг белгилловчи кўрсаткичлар эса автомобиллардан фойдаланиш коэффициенти, иш вақтидан фойдаланиш коэффициенти, юк кўтарувчиликдан фойдаланиш коэффициентидан иборат.

Автомобиль паркидан фойдаланиш коэффициенти кунлар, даврлар (ой, чорак, йил) кўрсаткичлари бўйича аниқланади. Шу билан бирга биринчи ҳолда у йўлга юраётган автомобиллар сони уларнинг инвентарь миқдорига бўлиб

аниқланади: Иккинчи ҳолат эса кўчма уставдаги автомобиль кунлари, хўжаликдаги автомобиль кунларининг умумий миқдorigа бўлиб аниқланади.

Босиб ўтилган йўлдан фойдаланиш коэффициентини; автомобилларнинг умумий босиб ўтган йўлини (**км**) уларнинг умумий босиб ўтган йўлга (**км**) бўлиш билан топилади.

Иш вақтидан фойдаланиш коэффициентини; босиб ўтилган машина-соатлар сонининг нархлардаги машина-соатлар миқдorigа нисбати билан аниқланади.

Юк кўтарувчанлигидан фойдаланиш коэффициентини; автомобиллар ташиган юкнинг ҳақиқий оғирлигини уларнинг механикавий юк кўтарувчанлигига бўлиш билан топилади.

Ҳар бир коэффициентнинг аҳамияти бирга қанчалик яқин бўлса, кўрсаткич шунчалик юқори бўлади.

Транспорт агрегатининг иш унуми тонна-километрлар ёки бир автомобил-тонна - бир кунда ташилган юк (**Т**) билан ифодланади.

Иш унуми юк кўтарувчанлигининг ўсиши ва ундан фойдаланиш даражаси, ҳаракат тезлиги, иш вақтидан ва босиб ўтилган йўлдан фойдаланишга тўғри пропорционалдир.

Битта ўртача рўйхатдаги автомобил-тоннанинг ўртача йиллик иш унуми (**Ва**) тонна-километрларда қуйидаги формула билан аниқланади:

$$В_a = 365 \times a \times Т_n \times У_и \times Б \times Ж,$$

бунда;

**a** - автомобилларни йўлга чиқариш коэффициентини;

**Т<sub>n</sub>** - бир сутка, давомида ўртача нарядда юриш вақти, соат;

**Б** - босиб ўтилган йўлдан фойдаланиш коэффициентини;

**Ж** - юк кўтарувчанликдан фойдаланиш коэффициентини;

**У<sub>и</sub>** - ўртача ишлатиш тезлиги (км/соат).

Автомобилнинг йиллик ўртача босиб ўтган йўли (**Ас**) коэффициент – (**a=0,9**) автомобилларни йўлга чиқариш коэффициентининг суткалик ўртача босиб ўтилган йўлга кўпайтмаси тарзида қуйидаги формула ёрдамида аниқланади.

$$А_g = 365 \times a \times Л_c = 365 \text{ кун} \times 0,9 \times 300 \text{ км} = 98550 \text{ км},$$

бу ерда;

**Л<sub>с</sub>** - автомобилнинг суткалик ўртача босиб ўтган йўли (км).

Юк ташиш таннархи (бир тонна-километрники) юк автомобилларини сақлаш учун қилинган сарфлар йиғиндиси бир йил мобайнида тонна-километрларда ташилган юк миқдorigа бўлиб аниқланади. Масалан, Косонсой ўқув хўжалигида юк автомобилларини сақлаш учун қилинган эксплуатацион сарфлар (ҳайдовчиларнинг меҳнат ҳақи, ёнилғи, мойлаш материаллари қиймати, автомобилнинг амортизацияси, жорий таъмир, техникавий қаровлар; резинанинг қиймати, автомобиль паркида накладнойлар бўйича қилинган сарфлар) 3600000 сўмни ташкил этди.

Юкларни ташиш учун 400000т/км сарфланади.

Бунда

$$1т / км \quad таннархи = \frac{\text{Эксплуатацион харажат}}{\text{Автомобиль паркиннг иш унуми (т / км)}} = \frac{3600000 \text{ сўм}}{400000 \text{ т / км}} = 9\text{сўм}$$

Бир қатор хўжаликларда автотранспорт тонна-километрининг таннархи 9 сўмдан 18 сўмгача, тракторларда 4 сўмдан 7 сўмгача, иш отларида эса 40 сўмдан 100 сўмгача ўзгариб туради.

Хўжалик учун зарур бўлган автомашиналар сонини ҳисоблаш. Хўжаликнинг юк автомобилларига талаби қўйидаги формула ёрдамида топилади:

$$K = \frac{\text{Ташиладиган юклар хажми (Т) юк ташиладиган масофа (км)}}{\text{Иш вақти давомида битта машина билан ташиладиган юк хажми}}$$

Хўжаликда транспортнинг иш вақтидан фойдаланиш самарадорлигига уларнинг жисмоний жиҳатдан эскирганлиги, яъни нисбатан кўпроқ таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатишни талаб этиши ҳамда ноқулай об-ҳаво шароитлари ҳам таъсир этади, қолаверса механизатор кадрлар билан таъминланиш даражаси ҳам бугунги кунда ўзига хос ўрин тутмоқда. Шу ўринда транспорт воситаларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг қўйидаги йўлларига амал қилиш лозим.

1. Транспорт ишини ташкил қилишнинг илғор усулларини жорий этиш.
2. Иш вақтидан фойдаланиш коэффицентини ошириш (автомашина ва тракторларнинг икки бўлинмалари, уч бўлинмалари ишни ташкил қилиш).
3. Салт юришни йўқотиш.
4. Машинани кетаётганда ҳам, қайтаётганда ҳам юк билан таъминлаш.
5. Юкларни текис йўл бўйлаб узоқ масофаларга ташиётганда прицеплардан фойдаланиш (автопоездлар ташкил қилиш).
6. Транспортнинг график бўйича ишини обдон режалаштириш.
7. Автомобиль паркинни қулай майдончалар, машиналарга таъмирлаш корхоналари томонидан марказлаштирилган усулда хизмат кўрсатиладиган базалар билан таъминлаш.
8. Юк ташиш таннархини камайтириш.
9. Транспорт воситалари, самосваллар, ихтисослаштирилган машиналар (автоцистерналар, тягочлар, фургонлар, прицеплар) салмоғини ошириш.
10. Автомобиль йўллари қурилишининг мукамаллаштирилишини ҳисобга олган ҳолда техникавий тезликларни ошириш.
11. Юк ортиш, тушириш ишларини механизациялаштиришни жорий қилиш ва автомобилларнинг бекор туриб қолиш вақтини қисқартириш.
12. Транспорт воситаларини бошқаришни диспетчерлаштириш.
13. Юқори иш тажрибасига эга мутахассисларни жалб этиш.

Шунингдек, хўжаликларнинг транспортда ташиш ва тушириш харажатлари қонун ҳужжатларига мувофиқ тасдиқланган нормалар ва тарифлар бўйича ёхуд томонларнинг келишувига кўра белгиланади. Тайёрлов ташкилотининг қўшимча талабларига риоя қилган ҳолда маҳсулот жўнатиш билан боғлиқ шартномада белгиланмаган харажатлар тегишли равишда тайёрловчи ҳисобига тўланади.

Тайёрлов ташкилоти томонидан стандарт талабларига мувофиқ бўлмаган, шунингдек кондицияга мувофиқ бўлмаган маҳсулот қабул қилинган тақдирда қўшимча равишда сортларга ажратиш тайёрловчи томонидан бажарилади, ишларни бажариш бўйича харажатлар эса қўшимча битим бўйича қопланади.

Хўжаликлар билан тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасидаги олдиндан ҳақ тўлаш ва якуний ҳисоб-китоблар шартномада ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб, шакл ва муддатларда амалга оширилади.

Хулоса қилганда, бугунги кунда хўжаликларнинг молиявий ҳолати техника базасини мунтазам равишда янгилаб бориш ва мустаҳкамлаш имконини бермаётир. Натижада техника воситаларидан фойдаланиш (эксплуатацион) харажатлари ошиб кетмоқда, бу эса қишлоқ хўжалиги маҳсулоти таннархининг юқори бўлиши, ишлаб чиқариш самарадорлигининг пасайишига олиб келмоқда.

Бугунги кунда илм-фан, техника-технология жадал суръатларда ўсиб бораётган шароитда транспорт тармоғида катта ўзгаришлар кузатилмоқда.

Замонавий юк ташиш воситаларидан фойдаланишда ёнилғи ва энергия сарфи кам бўлган автотранспортлар нафақат тежамкорлиги, балки атроф-муҳитга зарар етказмаслиги, турли ноҳуш ҳолатларнинг олди олиниши, хавфсизлик масалалари билан ҳам бевосита боғлиқдир. Республикамизнинг иқлим хусусиятларини инобатга олган ҳолда юк ташишнинг ўзига хос оптимал жиҳатларини ҳам инобатга олиш талаб этилади.

Бундай шароитда қишлоқ хўжалигида мавжуд ресурс салоҳиятидан унумли фойдаланиш, бир бирлик ресурс ҳисобига кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқаришга эришиш лозим, яхлит хўжалик фаолияти ва алоҳида унинг раҳбарига баҳо беришда айнан шу бош мезон бўлиб қолиши лозим.

Шунингдек, деҳқон, фермер хўжалиklarининг мол-мулкларидан унумли фойдаланиш йўналишлари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- мавжуд техника воситаларидан интенсив равишда фойдаланиш;
- бино-иншоотларини ўз вақтида таъмирлаб бориш;
- техника воситалари юк кўтариш қобилиятидан максимал фойдаланиш;
- от-арава транспортидан фойдаланиш.

Кўп мутахассислар фикри ва хорижий давлатлар тажрибасига кўра, вужудга келган ҳолатни бартараф этишнинг энг қулай йўли турли шаклларда ташкил этиладиган ижара ҳисобланади. Бунинг моҳияти шундан иборатки, ортиқча техника воситаси бўлган, ёки механизация ишларини бажаришга ихтисослашган корхоналар турли муддатларга, қисқа ва узок муддатларга ўз воситасини деҳқон, фермер хўжалиklarига ижарага беради.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорининг таҳлили натижаларидан хулоса қилиб, шуни айтиш мумкинки, мазкур бозорда тадбиркорлик ва бозор иқтисодиётига хос унсурлар шаклланиб, ривожланмоқда. Истикболда қишлоқ хўжалигида маҳсулот тайёрловчи субъектлар транспорт воситаларининг эгалари билан мувофиқлаштирилган ҳолда фаолият кўрсатишларини таъминлаш муҳимдир. Чунки, озуқа маҳсулотларини ишлаб чиқарилиши қишлоқ хўжалигида кичик ҳажм ва майдонларда концентрациялашган ва уларни етиштирувчиларнинг миқдори жуда кўп.

Ҳозирги кунда фермерларнинг техникага бўлган талабини қондиришда энг истикболли вариант бу фермерларнинг техникадан ўзаро ҳамкорликда фойдаланиш бўйича уюшиб фаолият кўрсатишидир. Агар фермернинг хўжалигидаги ишлаб чиқариш ҳажми техника воситаларига яқка ҳолда эгалик қилиш учун имкон бермаса (ишлаб чиқариш ҳажми кичиклигидан техника сақлаш харажатлари ўзини оқламайди), бир неча фермерлар ўзаро уюшиб қиммат турадиган унумли техникани сотиб олиши ва биргаликда ишлатиши мумкин. Бунинг афзаллик томонлари кўп бўлиб уни қуйидагиларда кўриш мумкин:

➤ ҳар бир фермер хўжалиги ишлаб чиқариш жараёнида қўлланилиши зарур бўлган бир неча хил техника воситаларини сотиб олиш заруриятидан қутулади, бу билан улар техника харид қилишда тежамга эришадилар ва уларни эксплуатация қилиш билан боғлиқ харажатларни ўзаро тақсимлайдилар;

➤ қишлоқ хўжалигида баъзи бир техника воситаларидан жуда қисқа муддатларда фойдаланилиши туфайли алоҳида бир фермер учун комбайнга ўхшаган санокли кунларда ишлатиладиган бу хил техникаларни сотиб олиш ва сақлаш самарали эмас;

➤ транспорт воситаларидан биргаликда фойдаланиш машиналарни иш билан бир маромда банд этиш орқали улардан оқилона фойдаланишга, барча кичик хўжаликда ҳам ишлаб чиқаришни тўлиқ механизациялаштиришга олиб келади.

Аммо бунда фермерлар орасида ўзаро ишонч бўлиши ва транспорт воситаларидан биргаликда фойдаланиш жараёнида турли ихтилофларни келтириб чиқармаслиги керак. Бизнинг республикамизда фермер хўжаликларининг техникадан ҳамкорликда фойдаланиш бўйича етарли тажрибалар тўпланмаган. Аммо, фермер хўжаликларининг ривожланиб бориши билан яқин келажакда улар орасидаги ҳамкорлик алоқалари кучайиб бориши кутилади. Шуни ҳисобга оладиган бўлсак, фермер хўжаликларининг техника воситаларига бўлган талабини қондиришда бундай ҳамкорлик энг истикболли йўналишлардан бири бўлиши лозим.